

ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ



Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январ-июнь ойларида Фарғона вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 9 409,4 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг тегишли даврига нисбатан 3,3 % га ўсди.

2018 йил II-чорак якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 2 590,3 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 1,7 % га ошди.


Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Фарғона вилоятининг қўшган хиссаси 6,2 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш (январь-июнь ҳолатига)

	Млрд.сўм		2017 й. га нисбатан % да
	2017 й.	2018 й.	
I. ЯҲМ	7 743,6	9 409,4	103,3
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	7 287,6	8 918,5	103,2
Маҳсулотларга соф солиқлар	456,0	490,9	105,3
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	7 287,6	8 918,5	103,2
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1 870,4	2 197,2	100,5
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	2 112,3	2 788,7	105,7
саноат	1 709,9	2 250,2	105,2
қурилиш	402,4	538,5	107,7
Хизматлар	3 304,9	3 932,6	103,2
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	768,3	939,9	102,9
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	690,6	744,4	104,9
бошқа хизмат тармоқлари	1 846,0	2 248,3	102,7

Худуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 100,5 %, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 24,6 %), саноат – 105,2 % (25,2 %), қурилиш – 107,7 % (6,0 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 102,9 % (10,5 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 104,9 % (8,3 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 102,7 % (25,4 %) ни ташкил этди.

2018 йилнинг январь-июнида ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




иқтисодий фаолият турлари

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 94,8 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 5,2 % ини ташкил этди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 1,1 % пунктга камайди ва ҳисобот йилида 24,6 % ни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 2,2 % пунктга ўсди ва 31,2 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2018 йилнинг II-чорагида 44,2 % ни ташкил этди ва 2017 йил (45,3 %) билан таққосланганда 1,1 % пунктга камайди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
(жамига нисбатан фоизда):**

2017 йил январь-июнь



2018 йил январь-июнь



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 10,5 % ни (2017 й. – 10,5 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 8,3 % ни (9,5 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 25,4 % ни (25,3 %) ташкил этди.

Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(2018 йил январь-июнь, жамига нисбатан фоизда):



**Статистика фаолиятини ташкил этиш ва
йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими**
Нашр учун масъул: Ф.Дадабоев.
Тел: 241-72-52